



КАРИМОВ ДАВЛАТ РАМЗИМИ?

Ҳар қандай давлат раҳбари учун биринчи навбатда халқ ҳурмати ва меҳрини қозониш ниҳоятда муҳим аҳамиятга касб этади. Бу ҳар қандай режимда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Чунки, айнан халқ қўллови ҳокимият мустақамлигининг кафолати сифатида кўрилади. Давлат раҳбарининг халқ ҳурмати ва меҳрини қозониши, унинг халқ орасидаги обрў-эътиборини мустақамланиши, энг асосийси аҳолининг барча қатлами учун кадрли бўлган имиджини яратиш мақсадида политтехнологлар, политконсультантлар ҳамда турли хил имиджмейкерлардан иборат бир гуруҳ шахсларнинг тер тўкиши ҳеч кимга сир эмас.

Демократик жамиятларда бундай жараён оддий бир ҳолат сифатида қабул қилинади, зеро давлат раҳбарининг ҳар бир босган қадами жамоатчилик назоратидан четда қолмайди. Демак, бундай жамиятларда давлат раҳбари ўз шахсияти тўғрисида ижобий тасаввурни шакллантириш мақсадида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун меҳнат қилишга мажбур.

Яккаҳоқимликка асосланган тоталитар режимларда эса давлат раҳбари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг йўқлиги, оммавий ахборот

воситалари фаолиятининг цензура остига олиниши халқни объектив ҳолатни билишдан маҳрум қилади. Натижада назоратсиз ҳокимият эгасига айланган давлат раҳбари халқ орасидаги ҳурмат ва обрў-эътиборни қўлга киритиш учун ўзига ҳос бўлган, баъзида қонунга зид бўлган воситаларни ишга солади. Бошқа сўз билан айтганда, қаттиққўл давлат раҳбарининг ўзига ҳос сохта шахсият култи яратилади.

Бироқ, бундай усул билан эришилган обрў-эътибор ва шахсият култининг умри жуда қисқа бўлиши тарихда кўп маротаба ўз тасдиғини топган.

Одатда политтехнологлар сохта образларни яратишда бир қанча усулларни ишга солади ва бу усулларнинг ўзи ҳам вақти вақти билан ўзгариб туриши мумкин. Масалан, деярли бир вақтда мустақилликни қўлга киритган

Марказий Осиё давлатларининг аксариятида дастлабки кунларданок авторитар бошқарув жорий қилинди. Натижада, ҳокимиятни янада мустақамлаш учун давлат раҳбарларининг сохта образларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди ва бу борада турлича усуллар қўлланилди.

Ўзбекистонни қарийб 25 йил мобайнида бошқариб келаётган И. Каримовнинг сохта образи ва шахсияти култи тўғрисида

ҳам турли баҳс мунозаралар бўлди, кўплаб мақолалар ёзилди. Шу сабабли ҳам бу сафар асосий эътибор Каримов шахсияти култини яратишдаги қўлланиладиган усуллар эмас, балки уларнинг қонуний меъёрларга зид бўлган айрим жиҳатларига қаратилади.

Бу жиҳатлар ҳозирда кўпгина давлат ташкилотлари ва муассасаларида Каримов шахсиятининг давлат рамзи сифатида ҳавола қилиниши билан боғлиқ ҳолатга алоқадор. Шу ўринда давлат рамзлари тўғрисида ҳам қисқача тўхталсак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга”, деган норма белгиланган. Бу эса Ўзбекистон давлатининг рамзлари юқорида тилга олинган учта элемент — байроқ, герб ва мадҳиядан иборатлигини билдиради. Бунинг асосида эса уларнинг ҳар бирига алоҳида қонунлар қабул қилинган. Хусусан, 1991 йил 18 ноябрда

“Ўзбекистон Республикаси байроғи тўғрисида”, 1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикаси давлат герби тўғрисида” ва 1992 йил 10 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Ўз навбатида, давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш мақсадида 2010 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни қабул қилинди.

Жумладан, мазкур қонун асосида “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб,

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реқвизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги, Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги, Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Бу билан гўёки давлат рамзларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳимоясига олинган. Бироқ, бунинг қонундан ташқарида қолган жиҳатлари ҳам борки бу – давлат рамзлари суратлари туширилган расмлар, портретларни турли ташкилотларда илиб қўйиш билан боғлиқ масала.

Чунки айнан манашу портретлар орқали давлат рамзлари ҳақида оммага умумий маълумотлар берилади ва давлат рамзларининг нималардан иборатлиги тўғрисида тасаввурлар уйғотилади.

Ҳозирда кўпгина вазирликлар, давлат ташкилотлари ва муассасаларнинг деворларига Ўзбекистон рамзлари акс этган портретларни илиб қўйиш одат тусига айланган.

Бу ерда гап бевосита давлат рамзларидан фойдаланиш ҳақида эмас, балки мазкур рамзлар сурати туширилган портретларни илиб қўйиш ҳақида бормоқда.

Албатта, давлат рамзларининг суратларини илиб қўйиш Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган мажбурий меъёр эмас. Ҳаттоки, бундай талаб давлат муассасаларининг ички уставларида ҳам мажбурий норма сифатида белгиланмаган.

Асосий муаммо президент Каримов портретининг давлат рамзлари қаторида ҳавола қилинишидир. Бу эса, халқ онгида Ўзбекистон Конституциясининг 5-моддасида белгиланган давлат рамзларининг байроғи, герби ва мадҳиясидан иборатлиги ҳақидаги норма тўғрисида нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин.

Замир Малик



TELIASONERA ИШИ ЭНДИ АҚШДА КЎРИЛМОҚДА

АҚШ Адлия Вазирлиги TeliaSonera телекоммуникация ширкатининг 2007 йилда Ўзбекистонда 3G лицензиясини сотиб олиши билан боғлиқ маълумотларни тақдим этишни сўраган. Бу ҳақда TeliaSonera расмий сайти хабар тарқатди.

“TeliaSonera АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси Ўзбекистонга алоқадор ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида сўров ҳам олган”, дейилади хабарда. Айни пайтда, Швеция прокуратураси TeliaSonera ширкатининг Ўзбекистонда 360 миллион 500 минг АҚШ долларлик мобил алоқа хизмати лицензиясини олишда пора берилгани борасидаги даъволар устидан терговни давом эттирмоқда. Бир муддат олдин швед журналистлари TeliaSonera ширкатининг ўзбек бозорига кириш учун Президент И.Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримовага пора бергани ҳақида махсус журналистик изланишлар асосида ҳужжатли фильм тасвирга олган эдилар.

Ушбу можароли маълумотлардан сўнг Телиасонера раҳбарлари истеъфога кетган, швед расмийлари эса TeliaSonera ширкати фаолиятида ноқонуний амаллар бор-йўқлиги устида текширув бошлаган. Ўзбекистонда ҳам Гулнора Каримовага яқин шахслар (Рустам Мадумаров, Гаяне Авакян, Екатерина Ключева) ҳибсга олинган.

Баъзи маълумотларга кўра, “Вымпелком” ширкати ҳам Гулнора Каримованинг ҳозир ҳибсда қолаётган яқин дўсти Гаянэ Авакян номига қадй этилган “Takilant” ширкати алоқадор бўлган.

“Вымпелком” 2006 йилда Ўзбекистондаги маҳаллий “Unitel” мобил операторининг 100%

акцияларини сотиб олиб, ўзбек мобил бозорига кирган. Айни пайтда Buztel оператори ва Uzmascom частоталари харид қилинган.

2007 йили “Вымпелком” Unitel акцияларининг 7%ни номи айтилмаган харидорга \$20 млн. эвазига сотган. Шартномада айтилишича, харидор истаган пайтда “Вымпелком”ни бу акцияларни қайта сотиб олдириши мумкин. Дарҳақиқат, орадан икки йил ўтиб, “Вымпелком” бу акцияларни \$57 млн. нархда қайта сотиб олган.

Кейинроқ «Вымпелком» мазкур номи келтирилмаган харидор “Takilant” эканини тан олган. Бундан ташқари, 2007 йил Unitel компанияси Takilant дан 3G-частоталарни \$25 млн.га сотиб олгани ҳам маълум бўлди. Takilant ҳисобларини очишда Гулнора Каримовага яқин яна бир шахс «Уздунробита» директори Бекзод Аҳмедовнинг ҳам қўли борлиги фош бўлган.

TeliaSonera ички терговлар натижасида компания президенти Ларс Нуберг ва бир қатор топ-менежерлар истеъфога кетган.

Ўзбекистондаги телекоммуникация компаниялар фаолияти 2012 йил, мамлакатдан МТС ширкатининг кетишидан кейин кун тартибига келган. Бу жанжалга сабаб, Г.Каримова ва Б.Аҳмедов орасидаги келишмовчиликлар бўлган дейилади. Бундан ташқари, бу жараён Фарб матбуотида кенг ёритилган, Швеция ва Швейцарияда эса Г.Каримовага тегишли саналган банк ҳисоблари музлатилган.

Энг яқин кишилари ҳибсга олинган Г.Каримованинг ўзи, сўнги маълумотларга кўра, уй қамоғида ўтирибди.

Кримда дунёнинг аксари тан олмаган референдум бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситалари тарқатган илк хабарларга кўра, унда овоз берганларнинг 93 фоиздан зиёди Кримнинг Россияга қўшилишини ёқлаган.

Намоишчилар ғолиб келиб, Киев майдончилар кўлига ўтгандан бери Крим дунё нигоҳи марказида.

киритилиши бўладими ёки Украина худудининг босқинчилик йўли билан тортиб олиниши?

Вазиятни тарихий адолат тамойили билан ўлчайдиган бўлсак, Крим Украинаники ҳам эмас, Россияники ҳам эмас. Крим асрлардан бери бу масканни ватан тутган маҳаллий халқ – Крим татарларининг ери. Улар бир пайтлар Чор Россияси босқинига

хоинликда айблаб ёппасига Марказий Осиёга сургун қилади. Крим татарлари тарихини ўрганган америкалик олима Инжи Боуман қувғин лахзаларини шундай ёдга олади: “Тонг соат 3-4 ларда 30 минг аскар Крим татарларини кўчириш учун сафарбар этилди. Улар эшик қоқиб, ҳар бир одамга тайёрланиш учун 15-20 дақиқа вақт берди. Эракларнинг деярли барчаси фронтда эди. Уйда, асосан, аёллар ва ёш болалар бўлган...”

Инжи Боуманнинг айтишича, Крим татарларининг 45 фоизи кўчиш пайтида ва қувғиннинг дастлабки уч йилида ҳалок бўлган.

Кримликлар бизнинг ватандошларимиздир

Сталин амри билан 1944 йил Ўзбекистонга сургун қилинган Крим татарларининг кўпи тарихий ватанларини қайта кўрмай ўлиб кетди. Кейинги авлодлар эса Ўзбекистонда туғилиб ўсди. Бугун тарихий ватанига қайтган Крим татарларининг аксари Ўзбекистонни иккинчи, айримлари ҳатто биринчи ватани деб билади. Крим татарлари миллий ҳаракатининг етакчиси Мустафо Жамил ҳам Ўзбекистонда улғайган. Бу ерга келганида у 6 ойлик чақалоқ эди. Аини пайтда Ўзбекистонда хануз истиқомат қилаётган кримликлар сони 200 мингга яқин. Демак, улар том маънода бизнинг ватандошларимиздир.

Ўзбекистон Кримга бефарқ бўлиши мумкин эмас

Крим татарлари яқин-яқингача кўни-кўшниларимиз, қариндош-уруғларимиз эди. Совет иттифоқи парчалангач, бу халқ ота-боболари қабри ётган ерларга қайтиб кетишни қасд этди ва натижада аксарияти Ўзбекистонни тарк этди.

Улар ўзбекчани яхши билади, Ўзбекистонни қўмсайди ва уни ўз ватанидек соғинади. Шу боис нафақат инсонийлик ва адолат нуктаи назаридан, балки қардош, қондош ва ватандош халқ бўлгани учун ҳам Крим татарлари тақдирига бефарқ қарашга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Демак, Кримда юз бераётган ҳақсизликка нисбатан сукут сақлаш, айниқса, биз учун энг номуносиб иш. Адолатсизликка қарши ўз сўзимизни айтишимиз лозим. Бу расмий баёнотларда ҳам, халқ сўзида ҳам ўз ифодасини топсин.

Бехзод Мамадиев



«ВАТАНДОШ»: ҚИРИМ КИМНИКИ?

Воқеалар ривожига назар

Шу пайтгача Украинанинг мухтор республикаси бўлиб келган Крим парламенти, Киев сиёсий таназзулга юз тутгач, қутилмаганда Россияга қўшилиш даъвоси билан чиқди. Кремл бу ташаббусга кучоғини очиб, ҳатто Украинага қўшин киритиш борасида Парламентнинг “оқ фотиҳа”сини ҳам олди. Россия даъвосига кўра, Крим азалдан русларнинг ери бўлган. Тарихчилар унинг собиқ Совет иттифоқи даврида Хрущёв томонидан 1954 йилда Украинага тортиқ қилиб юборилганини айтади. Шу боис кўплаб россияликлар ва уларнинг тарафдорлари учун Кримнинг Россияга қўшилиши тарихий адолатнинг қайта тикланишидир.

Бунга қарама-қарши тарафда Украина ва Ғарб дунёси турибди. Улар Россия ҳаракатини очиқ агрессия дея баҳоламоқда. Уларга кўра, халқаро ҳуқуқ нуктаи назардан, рус кучлари суверен Украина худудини ноқонуний эгаллаб турибди.

Крим кимники?

Крим аслида кимники? Унинг Россияга қўшилиши, тарихий нуктаи назардан, Москва учун йўқотилган худуднинг қайта қўлга

қадар ўз мустақил давлатларига ҳам эга бўлган. Бу ўлкада бугун кўпчиликни ташкил этувчи руслар ҳам, украинлар ҳам, кўпол қилиб айтганда, келгиндилардир. Демак, Кримни Россияга бой бераётган Украина эмас, балки яна ўша Крим татарларидир. Крим устида кетаётган сиёсий ўйинлардаги энг катта хато шундаки, на Ғарб ва на Россия Крим халқи билан ҳисоблашишни истаяпти. Бугун сон жиҳатидан ўлкада озчилик элатга айланиб улгурган Крим татарлари референдум каби кўпчиликнинг хошиши устун кўриладиган тадбирларда ютқизиши аниқ.

Бу ерда уларнинг Украина ва Россиядан қай бирини танлаши кераклиги ҳақида ақл ўргатиш фикридан йироқмиз. Аммо шуни таъкидламоқчимизки, Крим тақдирини халқ қиладиган ҳар қандай сиёсий қарор маҳаллий татарлар иштирокисиз ва розилигисиз амалга оширилмаслиги керак.

Қувғиндаги юрт

Энг кўп йўқотиш яна татарларнинг зиммасига тушяпти, деб бежиз айтмадик. Чунки бу шўрлик халқнинг адолатсизликка юз тутиши илк бор рўй бераётгани йўқ. Қаттоллиги тарихга қонли сиёҳ билан битилган Сталин II Жаҳон уруши даврида Крим татарларини



хам, мардикорлик нонини еб кўришга ишқибозларнинг кўплиги кундай равшан. Яқинда ўтказилган сўров н а т и ж а л а р и - га кўра, мамлакат аҳолисининг салкам ўттиз фоизи “чет элга бориб пул

лаётган муаммо ва қийинчиликлар, хўрлик ва камситишлар ҳақида ёзиш ниятимиз йўқ. Чунки бу ҳақда Ўзбекистон вақтли матбуотида ҳам, хориждаги оммавий ахборот воситаларида ҳам керагича кўп ва хўп ёзилди. Бизни “мардикорлик” масаласининг маънавий-ахлоқий томонлари кўпроқ кизиқтиради.

Бу борадаги энг оғир йўқотиш йигитларимизнинг имон-этиқоди билан боғлиқ масалаларда содир бўляпти. Бошқа этиқод, бошқа менталитет вакиллари орасига тушиб қолган мардикорларимиз тезда ўз руҳий асосларидан узилиб, ўзгаларнинг руҳий-маънавий таъсирига тушиб қолишяпти. Ҳали имон-этиқоди унча шаклланиб улгурмаган мусулмон йигитлари иш жойларида изғиб юрган турли миссионерлар, ўзга дин ва мазҳаб вакиллари тузоғига осонгина илинишмоқда. Жанубий Курияда ишлаб келган йигитлар ҳикоясига қараганда, айрим ватандошларимиз у ерда насронийликнинг протестантлик, Иехова шохидлари каби мазҳабларига ўтишган. Бунда диний этиқод эмас, кўпроқ берилаётган пул ва яратилган шароитлар асосий омил бўлгани аниқ. Мусулмон ватандошлари томонидан билдирилган этирозларга улар: “Худо битта бўлганидан кейин насроний бўлдинг нимаю, мусулмон бўлдинг нима, фарқи йўқку!” дея қўл силтаб кўяқолишган. Қозоғистон, Русияда ишлаётганлар орасидаги намозхонлар эса шароит йўқлигини, қаттиқ чарчаётганларини баҳона қилиб, ибодатларини тўхтатиб қўйишган. У ерларда ҳам ватандошларимиздан насронийликка, турли оқим ва мазҳабларга эргашиб кетаётганлар топилади.

Ватандош мардикорлар орасида оила ва никоҳ муносабатлари ҳам издан чиқмоқда. Улар оиладан уч-тўрт йилга, баъзан бундан ҳам кўпроқ муддатга узилишмоқда. Ҳар қандай шаҳватини тия олган одам ҳам бунча узоқ муҳлатга хотинсиз юра олмайди. Улар борган жойларида дарров бунинг “чораси”ни топишга интилишади. Агар бу нарса қонуний никоҳ йўли билан ҳал қилинганида бу ҳақда ёзиб ҳам ўтирмас эдик. Аммо Русияда ишлаб келган йигитлар ҳикоясига қараганда, ўзбек йигитларининг аксарияти рус аёлларига ҳеч қандай никоҳсиз, гувоҳларсиз, маҳрини ҳам бермай “уйланиб” олишяптикан. Ҳатто хотинини эргаштириб ишга борган бир-икки мардикорларни “Тулага нега ўз самава-

(Давоми келгуси саҳифада)

РУСЛАР ФОРУМИ:

«ЎЗБЕКЛАР - БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бозор иқтисодига ўтила бошланди ва бу билан бирга “мардикор” деган сўз ҳам урфга кириб келди. Ишлаб турган кўплаб корхоналар ёпилиши, колхоз-совхозлар тугатилиб, фермер хўжаликлари пайдо бўлиши натижасида шаҳарқишлоқларнинг минг-минглаб аҳолиси иш тополмай кўчада қолди. Ана шундан бошлаб мамлакатдаги ишга ярқли аҳолининг каттагина қисми иш излаб кўшни Қозоғистон, Русия, Жанубий Курия, Туркия, араб мамлакатлари, ҳатто Полша, Норвегия, Италия каби Оврупа мамлакатларию олис Америкагача кета бошлади.

Хорижий тилдаги “трудовой мигрант” маъносини англагучи “мардикорлик” сўзи кулоққа хийла оғир ботса-да, ушбу сўзни ишлатишга мажбурмиз. Чунки қонуний йўл билан расмий идоралар орқали “ишлаш”га кетганлар жуда озчилик, асосан яширин, ноқонуний йўллар билан мардикорлик қилаётганлар кўп. Ҳозир Ўзбекистондан қанча одам чет элларга ишлашга кетгани ҳақидаги маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Республика ички ишлар вазири Б. Матлубов Русияда 220 минг, Қозоғистонда эса 140 минг ватандошимиз меҳнат қилаётганини айтади. Бошқа расмий маълумотларга кўра, Жанубий Курияда расман 13800 Ўзбекистон фуқароси ишляпти, бундан ташқари, тўққиз мингдан ортиқ норасмий мардикорларимиз ҳам бор эмиш.

Шу масалага бағишлаб Тошкентда ўтказилган бир конференцияда Ўзбекистоннинг 500-800 минг фуқароси чет элларда мардикорлик қилаётгани айтиб ўтилди. Лекин норасмий манбалар мигрантлар сони 5-8 миллион атрофида, деб ҳам ёзади. Буларнинг асосий қисми Русия вилотларига бўлса, Қозоғистонда бир миллион, Жанубий Курияда 20 минг мардикор бор экан. Нима бўлганда

ишлаб келиш ниятида эканини” айтган.

Бунча одамнинг чет элдан пул топиб келишини айблаш ноўрин. Бозор иқтисодига ўтишнинг оғир йилларида мардикорлар топиб келган маблағ ҳаммага асқотди. Кўплар иқтисодий ҳаётини ва турмушини ўнглади, уй, машина, тўй қилиш, фарзандини ўқитиш каби муаммоларини ҳал этиб олди. Республика матбуотида келтирилган хабарга кўра, биргина 2006 йили чет элларда ишлаётган ўзбеклардан жами 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул жўнатмаси келган, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ВВП) саккиз фоизига тенг. “Чўнтакда олиб қирилган” пуллар бу ҳисобга кирмайди. Мутахассислар кейинги йилларда бу рақамнинг янада кўпайгани ҳақида ёзишяпти. Бу ёш республика иқтисоди учун катта ёрдам саналади.

Ўзбеклар чет элларда ҳам ўзларининг меҳнатсеварликларини, ҳалолликларини, ақл-заковатларининг ўткирлигини, ҳар қандай оғир ишдан бўйин товламастикларини намойиш қилишмоқда. Ватандошларимизнинг “3D” таснифига кирувчи, яъни оғир, хавфли, ифлос ишларни ҳам индамай бажараверишлари хорижий иш берувчиларга роса маъқул келиб қолгани ҳам аниқ. Ўзбеклар чет элларда ватанимизнинг муносиб сиймоси бўлиб танилишмоқда. Буни Русия сайтларидан бири ўтказган форумда Санёк исмли рус йигитининг сўзлари тўла исботлаб турибди: “Ўзбеклар билан бирга немис пухталиги ва аниқлиги, япон меҳнатсеварлиги, америка прагматизми (уддабурролиги) кириб келди. Ўзбеклар бизнинг келажагимиз. Афтидан Петр Биринчи Оврупага дарча очиб адашган, шекилли”.

Минглаб ватандошларимизнинг киндик қони тўқилган юртларини ташлаб, олис ва нотаниш ўлкаларга иш ишлаб боришларининг асл сабаблари, у ерларда ўзбеклар дуч ке-

ринг билан келдинг” дея “аския” ҳам қилишармиш. Энг ачинарлиси, мардикор йигитларнинг кўпи бу ишлари зинодан бошқа нарса эмаслигини тушунмас ҳам эмиш.

Яна бир муаммо шуки, бундай ватандошлар орасида ватанга, оилага қайтишни бутунлай “унутиб” юборгани ҳам талайгина. “Тўй қиламиз, уй курамыз, машина оламыз” деган баланд орзулар билан эрларининг иссиқ ўрнини совутиб, чет элга ишга жўнатган ўзбек аёллари беш-олти йиллардан буён оиласига оз-моз пул жўнатиш билангина ўзининг борлигини “эслатиб” турган эрлари бошқа аёллар билан тўшакни баҳам кўраётгани ҳақида ўйлашармикин? Уларнинг ўзлари не аҳволга тушишяпти? “Эрларимиз уйга қайтишни ўйламаяпти, бу ёқда болалар тарбиясиз бўлиб кетяпти, жўнатган пули ҳам керак эмас, тезроқ уйга қайтариб беринглар” дея масжидларга, маҳалла фуқаролар йиғинига, ҳуқуқ органларига шикоят қилиб юрган аёллар орзу-хавасларининг нечоғли қимматга тушиши ҳақида бошда нега ўйлашмайдикин? Ахир улар ҳам тирик жон, Аллоҳ яратган фитрати билан эрларини соғинади, болаларининг “дадамиз қачон келади-

лар” деган саволига жавоб тополмай қийналади. Водий қишлоқларидан бирида яшайдиган танишимизнинг: “Қишлоқда йигитлардан мену бир неча қартайган чолларгина қолганмиз, кўчадан ўтгани юрагим безиллайди, эрларини соғинган аёлларнинг кўзлари баданимни тешиб юборай дейди” қабилидаги гаплари ҳам фожиани бутун бўй-басти билан ошкор қилиб турибди.

Чет элларда ишлаётган йигитлар (аёллар ҳам) ўзлари исташадими-йўқми, ўша жойдаги халқларнинг менталитетию улар турмушидаги зарарли одат ва қусурларга тақлид қилишади, эргашишади. Айниқса, Русияда мардикорлик қилаётганлар орасида арокхўрлик, бангиворлик, қимор ўйнаш, пичоквозлик, фохишабозлик каби иллатлар тобора одат тусига кириб боряпти. Бу эса яхши ахлоқ ва тарбия кўриб ўсган мусулмон йигитларининг ватанга безори, пиёниста, бузуқи ва расво бўлиб қайтишларини “кафолатлайди”.

Биладиган кишиларнинг эътироф қилишича, Русияда ишлаб қайтганлар ичида хотинини қизганмаслик, ҳар гап орасида айниб сўқиниш, бировларнинг озгина

ютуғини ҳам кўролмаслик, катталарга беҳурмат бўлиш каби халқимиз менталитетига ёт қусурлар “юққан” кишилар ҳам кўп топилади.

Оғир шароитларда ишлаб саломатлигини йўқотиш, ўпка сили, сўзак, захм, ҳатто СПИД каби оғир касалликларни орттириш каби йўқотишларга қараганда инсоннинг маънавий-руҳий қашшоқлашуви оғир оқибатларга олиб боришини ҳеч ким инкор қилолмайди. Жисмоний касални тузатиш мумкин, аммо руҳий-маънавий хасталарни, ахлоқан тубан кетганларни тузатиш учун узоқ муддат, кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Кўпроқ пул топиш, хотинларининг кун сайин ўсиб бораётган нафсий иштахаларини қондириш учун ватанидан узоқларга ишлашга кетаётганлар (шу жумладан уларнинг аёллари ҳам) ана шу аччиқ ҳақиқат тўғрисида бир ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди.

Халқимиз “Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши”, “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу”, “Узокнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши” каби ҳикматли мақолларни бежизга тўқимаган, ахир!

Аҳмад МУҲАММАД



ОАВ хабарларига кўра, Республика санъат музейида сақланаётган олти асар (барчаси рассом Виктор Уфимцев қаламига мансуб) хусусий коллекционерлар томонидан турли хил ким ошди савдоларида сотувга қўйилган.

Бу борада музей директори Василя Файзиевадан интервью олган Uz24 порталининг ёзишича, асарлар қачон ўғирлангани ва сохтасига алмаштириб қўйилганлигини суриштирув жараёни аниқлаштиради.

Ҳозирда 42та экспертдан иборат бўлган ишчи гуруҳи барча экпонатларни инвентаризация

қилиш бўйича иш олиб бормоқда. Тасвирий графика бўлимини инвентаризация қилиш ишлари якунига етган. Айнан мана шу инвентаризация натижаларига кўра, Уфимцевнинг 6 та асари сохта эканлиги аниқланган.

Музейнинг 96 йиллик тарихида биринчи мартаба бу турдаги кенг қамровли инвентаризация жараёнининг бошланишига Уфимцев қаламига мансуб “Цирк”, “Йўлда”, “Натюрморт” ва бошқа номдаги расмларнинг ким ошди савдоси уйларида сотувга олиб чиқилиши туртки бўлган.

Ким ошди савдоларида расмлар хусусий коллекционерлар

лекин кўрғазмаларда иштирок этганди.

Масалан Третьяков галереясида. Албатта, даставвал бир ким ошди савдосига қўйилган расмларни асл нусха сифатида тақдим қилинаётган сохта нусхалари деб ўйлаганмиз. Бироқ, ишчи гуруҳнинг дастлабки натижаларида музейда сақланаётган нусхаларнинг сохта эканлиги маълум бўлди.

Музей директори кўра, музейда Уфимцев асарларининг айнан асл нусхалари сақланган ва бу ҳужжатлар билан тасдиқланган. Уларнинг бир қисми музейга шахсан муаллиф тарафидан совға қилинган, улар халқ бойлиги,

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙИДАН ЎҒИРЛАНГАН АСАРЛАР КИМ ОШДИ САВДОСИГА ҚЎЙИЛДИ

томонидан тақдим этилган.

Музейда 67 мингдан ортиқ экспонат бўлиб, шу жумладан уларнинг бир қисми экспозиция сифатида намойиш қилинмасдан музей омборида сақланади.

“Биз ким ошди савдосида сотувга чиқарилган Уфимцев ижодига мансуб расмларнинг Давлат санъат музейида сақланган асл нусхалари эканлигини билганимизда ҳайратга тушганмиз, — дейди музей директори Василя Файзиева. — Баъзи расмлар сотувга чиқарилмаган,

миллий тасвирий санъатимизнинг олтин фонди саналади. Рассом 1933 йилдан сўнг Ўзбекистонда доимий истиқомат қилган ва ўз асарларининг каттагина қисмини шу ерда яратган. Ҳозирда яна Уфимцевнинг уй музейига тегишли бўлган расмларнинг ҳам ким ошди савдосига қўйилганлиги аниқланди.

Уфимцев ижодига мансуб расмлар “СОВКОМ” ким ошди савдоси уйида \$ 1200 дан \$ 30000 гача баҳоланган.

УХХ хабар маркази



Иброҳим алайҳиссалом уларга ўз подасидан иккита ечки берди ва деди:

- Уларни олиб боринг. Уларни қудук бошига олиб борсангиз, сув юксалиб, оқишга бошлайди. Кейин аввалгидай бу сувдан сиз ҳам ичасизлар. Аммо бу сувдан бирор хотин ҳовучлаб ичмасин. Сабъ аҳолиси эчкилар билан қудук устига келишди ва сув тошиб чиқди. Улар бу сувдан ичишга бошладилар. Ой кўрган бир хотин бу сувдан ҳовучлаб ичмагунча, сув чиқиб турди. Ҳовучлагани он сув яна қуриб қолди (195).

Иброҳим алайҳиссаломнинг янги юрти

Иброҳим алайҳиссалом Сабъдан айрилгандан сўнг, Фаластин тупроқларидаги Римла билан Иля (Қуддус) орасидаги бир ерга жойлашди (196), бу ерни Қатт ва ёки Қитт деб аташарди (197).

Иброҳим алайҳиссалом бу янги маконда ҳам бир қудук қазди. Уйига келган меҳмонларга икром этди (198). Меҳмон меҳмонларнинг биринчиси бўлиб, “меҳмонларнинг отаси” деб аталди (199). Аллоҳу Таоло унга ризқ, бойлик ва хизматчи эҳсон этди (200).

Иброҳим алайҳиссаломнинг Лут алайҳиссаломни ва унинг молини душмандан қутқариши

Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Хороннинг ўғли Лут алайҳиссаломнинг моли кўпайганди. Иброҳим алайҳиссалом унга:

- Аллоҳу Таоло бизнинг молларимизни, кичик ва катта бош

ҳайвонларимизни кўпайтирди. Сен энди бу ердан кетиб, Садум ва Омура шаҳарларига жойлаш, — деди.

Бу шаҳарлар Иброҳим алайҳиссалом яшаётган ерга яқин эди. Лут алайҳиссалом Садум ва Омурга ерлашди, у ерда бир қирол билан урушга кирди (201). Қирол унинг молларини олиб, ўзини асир қилди. Буни эшитган Иброҳим алайҳиссалом 318 киши билан қиролга ҳужум қилди ва Лут алайҳиссаломни қутқарди, унинг молларини қайтиб олди. Аллоҳ ва расулининг душманларидан кўпчилигини ўлдирди. Бузғунга учраб қочганларини эса Дамашкнинг кунчиқаригача қувиб борди (202).

Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳазрати Ҳожарга уйланиши

Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломга мол ва бойлик берди ва у:

- Эй Роббим, менинг фарзандим йўқ. Мен мол-мулк ва бойликни нима қилайин, — деди. Аллоҳу Таоло унга:

- Сенинг фарзандларингни шундай мўлқилай-ки, уларюлдюзлар каби кўпайсин, — деб ваҳий этди (203). Муқаддас маконларда 20 йилдан бери яшасалар ҳам фарзанд кўрмагандилар (204), Ҳазрати Сора эса анчагина кексайиб, Иброҳим алайҳиссаломга фарзанд туғишга ярамай қолганди. Иброҳим алайҳиссаломнинг ёши ҳам анчагина ошиб қолганди. Лекин солиҳ бир ўғил кўриш учун Аллоҳу Таолога ёлворишдан тўхтамасди (205).

Мисрдан келишганига 10 йил бўлганди (206). Ҳазрати Сора ўз хизматчиси Ҳазрати Ҳожарни Иброҳим алайҳиссаломга ҳада қилиб:

- Бу аёл анча келишган, сен уни завжаликка ол, уйлан, балки Аллоҳ ундан бир ўғил насиб этар, — деди (207).

Ҳазрати Ҳожарнинг кимлиги

Ҳазрати Ҳожар Фиръавннинг Иброҳим алайҳиссаломга иймон келтирган жорияларидан эди (208). У Мисрнинг Фарамо қаршисидаги Уммулараб қишлоғидан эди (209). Уммулараб қишлоғи Як қишлоғи деб ҳам аталарди (210). Ҳазрати

Ҳожарнинг қишлоғи Фарамо бўлгани ҳақида ҳам ривоят бор (211).

Ҳазрати Ҳожар Қибтий (212) эди (213). Қибтий - Мисрлик демақдир (214).

Ҳазрати Ҳожар Фиръавндан аввал Миср Қибт қиролининг қизи эди.

Амр бин Осс фатҳ учун Мисрни қуршаган пайтда Мисрликларга:

- Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бизга Мисрни фатҳ этишимизни ваъда қиларкан, Мисрликлар билан уруғ-аймоқ яқинлиги борлиги учун сизларга ҳурмат кўрсатишни буюргандилар, — деди.

Мисрликлар бу қариндошликнинг узок қариндошлик эканини айтиб:

- Тўғри, сизнинг онангиз бизнинг

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (9).

қиролимизнинг қизи бўлиб, Манф шаҳридан эди. Қирол Манф халқининг қироли эди. Айний Шамс халқи Манфликларни енгиб, уларни давлатини йикдилар ва ўзларини чет элларга сургун қилдилар. Ва шундай қилиб Ҳожар отангиз Иброҳим алайҳиссаломнинг завжаси ва сизнинг онангиз бўлди, дея — этироф қилишди (215).

Иброҳим алайҳиссаломнинг суннат бўлиши

Иброҳим алайҳиссалом саксон ёшдан ошганда Қадум (ёхуд Қаддум) (216) билан суннат бўлди ва яна саксон йил умр кўрди.

Иброҳим алайҳиссалом илк суннат бўлган инсон эди (217).

Иймоннинг тугал бўлиши учун вужуддан бир парча етни кесиб ташлаш унга ваҳий қилинганида (218), у дарҳол Қаддум (пичок)ни олиб, ўзини суннат қилди ва оғриққа чидолмай Аллоҳга ёлворди.

Аллоҳу Таоло:

- Биз сенга суннат қилиш асбобини кўрсатмасдан бурун шошқалоқлик этдинг, — дея ваҳий қилди.

- Ё Роббий, буйруғингни бажаришда кечикишни истамадим, — деди (219).

Иброҳим алайҳиссалом Омаликлар билан жангда икки тарафдан ҳалок бўлганлар кўплиги сабабли, ўз одамларини таниб кўмиш учун мусулмонлик ишорати ўлароқ суннат қилиш буюрилгани ҳақида ҳам ривоят бор (220).

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбекистон президенти И.Каримовнинг 2014 йил 5 мартдаги № ПҚ-2142 сонли “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” қарори билан хорижга чиқишда “махсус келишув (рухсат)” олиши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг рўйхати тасдиқланганлиги ҳақида хабар бергандик.

мизда миллий хавфсизлик ва давлат сирлари химоясини таъминлаши мумкинлигини мантқиққа тўғри келмайди. Чунки, ҳозирги ахборот-технологиялари асрида давлат сирларини сақлаш учун хориж сафарларини чеклаш ҳеч қандай самара бермаслиги кундай равшан. Бундан ташқари, Қарорда “махсус келишув” тушунчасига таъриф берилмаган ва унинг амал қилиш механизми ҳақида ҳам бирор маълум

Президент Қарори эса, Конституцияда мустаҳкамланган таъминоти кўпол равишда бузилишининг ифодасидир. Зеро, ижро этувчи ҳокимият томонидан ишлаб чиқилган бундай қоидалар ҳам қонун чиқарувчи, ҳам суд ҳокимияти фаолиятини тўлиқ назоратга олинишини билдиради.

Қарорда Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди раислари ва уларнинг ўринбосарлари хорижий мамлакатларга хизмат сафарига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан “махсус келишув”дан кейингина чиқишлари мумкинлиги белгиланган. Конституциявий суд, умумий юрисдиктсия ва хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари билан “махсус келишувдан” ўтгандан кейин хизмат сафарига чиқишлари мумкинлиги талаб қилинган.

Мазкур рухсат бериш тартибини судьяларнинг фаолиятига аралаштириш деб баҳолаш мумкин. Маълумки, судьялар ҳуқуқий масалаларни мустақил ва ҳолис тарзда кўриб чиқишлари керак.

Бундан ташқари, Қарорда Олий Мажлис Сенати раиси ва Қонунчилик Палатаси спикерининг хорижий хизмат сафари Президент билан “махсус келишув” асосида амалга оширилиши таъкидланади. Буни ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари фаолиятини ижройи ҳокимият назоратига олиш сифатида баҳолаш мумкин. Конституцияда Ўзбекистон Президентининг уч ҳокимиятни мувофиқлаштириб бориши таъкидланса ҳам, “махсус келишув” процедураси айнан ижройи ҳокимият томонидан амалга оширилади.

Мазкур Қарорнинг Европада қандай қабул қилиниши ҳақида фикр билдирган Марказий Осиё бўйича немис эксперти Михаэль Лаубшнинг фикрича Ғарб мутахассислари Ўзбекистонда ҳақиқий ҳокимият бўлиниши мавжуд эмаслигини жуда яхши англашади.

“Албатта, Бош Прокурорнинг хизмат сафари учун президентдан рухсат олиши бу ғирт бемаъниликдир. Масалан, бундай сафар ҳозирда Президентнинг қизи Гулнора Каримовага нисбатан жиноий иш очган Швейцарияга бўлиши мумкин”, – дея таъкидлайди немис эксперти.

UZBEK.FM



ХОРИЖГА ЧИҚИШНИ ЧЕКЛОВЧИ ҚАРОР – КОНСТИТУЦИЯГА ЗИД

Ушбу Қарорга кўра хизмат сафари олдида махсус келишувдан ўтиши керак бўлган мансабдор шахслар рўйхати уч гуруҳга бўлинган ва Қарорга илова тарзида берилган.

Биринчи Иловада Ўзбекистон Республикаси Президенти билан, иккинчи Иловада Вазирлар Маҳкамаси билан ва учинчи Иловада Президенти девонининг тегишли хизматлари билан махсус келишувга эга бўлиши талаб қилинадиган мансабдор шахслар рўйхати келтирилган.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши учун ҳуқуқий асос сифатида “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонун келтирилади. Қонунда давлат сирини тушунчасига берилган таърифга кўра: “Давлат томонидан кўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар”.

Хусусан, Қарор мамлакатимизнинг “миллий хавфсизлиги ва давлат сирлари химоясини таъминлаш мақсадида” қабул қилингани айтилади, бироқ, мазкур ҳужжат орқали қандай қилиб мамлакатимиз

мот йўқ.

Ўзбекистон шароитида, мазкур Қарор ижросининг ўзбошимчалик билан амалга оширилиши мумкин. Чунки, беш йилдирки ҳали ҳам “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” қонун лойиҳаси тасдиқланмасдан пайсалга солиб келинмоқда.

Мазкур Қарор нафақат “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонун нормалари, балки Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган давлат ҳокимиятнинг бўлиниш принципига тамомила зиддир.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши таъминлашга асосланиши белгиланган. Санаб ўтилган уч ҳокимиятдан ҳеч бири бошқаларига нисбатан кўпроқ ваколатга эга бўлмагани учун ўзбошимчалик билан ҳаракат қила олмайди. Энг асосийси ўзаро алоқада бўлган уч ҳокимият мувоzanатининг асоси – уларнинг ҳеч қачон тўлиқ равишда бир-бирлари таъсири остига олинмаслигидадир.

Ўзбекистон бўйлаб Наврўз тантаналари ўтаётган 21 март куни Озодликка Гулнора Каримованинг жамоатчиликини ўз “забун ҳоли”дан хабардор қилиш, хусусан, бу холининг отасига етказилиши таъмаси билан ёзилган олти саҳифалик мактубининг кўлёзма нусхаси етиб келди. Президент қизининг яқинларидан бири томонидан йўлланган бу мактубда ГК ўз отасидан ҳафсаласи пир бўлганига иқрор бўлади ва ундан “болалари билан чиқиб кетиш”га изн сўрайди.

“Хорижлик чопар”

21 март куни Озодлик электрон қутисига Гулнора Каримова шахсан ўзи ёзгани иддао қилинган русча мактубининг компютерда терилган матни йўлланди. Мактуб воситачиси, матн эгаси айнан президентнинг тўнғичи эканини тасдиқлаш учун, Озодликка унинг кўлёзма нусхасини ҳам йўллади.

(Кўлёздадаги ёзувлар текширилганда мустақил мутахас-сислар Гулнора Каримованики эканини тасдиқлаган ёзувга уйқаш бўлиб чиқди.) Ишончли манба мазкур мактубнинг оммавий ахборот воситалари учун мўлжалланганини таъкидлаб, уни эълон қилишни сўради.

Наврўз муносабати билан ёзилган бу мактубда Гулнора Каримованинг айнан шу кунлардаги ҳаётига оид жиддий янгилик йўқ – олти саҳифалик ёзувларида президент тўнғичи ўзи ва кизи Имоннинг уй қамоғида экани, ташқи дунёдан мутлақ узилганини иддао қилади.

Айни пайтда, ГК мактубининг Viber тармоғи орқали аввалига яқин хориж, ундан Прагага етиб келгани, президент қизининг асос иддаси – ташқи дунёдан мутлақ узилгани, телефон ва Интернетсиз қолдирилгани ҳақидаги иддаоларини инкор қилади.

Кейинги ҳафталар давомида ГК билан алоқада эканини билдирган чопарга кўра, президент қизи ва набираси кўлида фавқуллода вазиятда фойдаланишга мўлжалланган алоқа воситаси бор ва ГК айнан шу сўнги восита орқали жамоатчиликка муурожаат қилишга аҳд этган.

Мактубдан сатрлар

Ўзбекистонда ҳукм сураётган Наврўз руҳига монанд “Наврўз ёруғлик ва эзгулик байрами. Наврўз бу оилавий байрам” деган лирик чекиниш билан бошланувчи мактубининг биринчи абзацида президент



ГУЛНОРА КАРИМОВА ОТАСИГА ДЎҚ АРАЛАШ ИЛТИЖО ҚИЛДИ

кизи ўзининг “хароб қилинган” оила ҳақида гапириш куфроний 100 дан ошиғи Ўзбекистондан бўлиши, бошқаларни табриклаш ва уларга ақл ўргатиш ўз-ўзини ерга уриш бўлишини эътироф этади.

Ўз ҳаётининг, мактабни олтин медал билан бiritишдан то Харвардда ўқишга қадар асос қисмини отасини ҳайрат ёки қувончга солишга сарфлаганини ёзган ГК, сўнги ойлар давомида бу ҳаётнинг фақатгина ўзига тегишли эканини англаб, буюк отаси гоя ва хурмача қилиқларига мос келмаслик кўркувидан озод бўлганини ёзади.

“Энг катта ҳафсаласизлик азиз одамингга ишончни йўқотиш, қолдирилмоқда.

Боз устига, кўзингдаги ойнакни ечиб, ўзинг ҳимоя қилган ва эзгулик эканига ишонганинг нарсаларнинг қанчалик чириб битганини кўришдир”, деб ёзади жумладан президент Ислам Каримовнинг шойира, кўшиқчи, рассом, дизайнер, сиёсатшунос ва ҳоказо кизи.

“Т.А. Каримова номидан (куёв) Тимур Тиллаев МХХ генерали Шарифхўжаев билан тўсиқларсиз транзит, юк ташиш, боғларсиз товар олиб кириш, иқтисодни шакллантирувчи йирик корхоналар, Абу Сахий каби ҳамма бозорлардаги обнал ширкатлар бўйича бизнес шерикчиликни узил-кесил мустаҳкамлаганидан сўнг” ўзининг дўзах қаърига ташланганидан арз этган Гулнора Каримова ўзига қарши провокациялар қурбони бўлиб кетганини айтади.

Мактубда ёзилишича, ўз ҳаётини бўйича зудлик билан операция ва гистология анализига муҳтожман. Қон кетишни тўхтатиш борган (Давоми келгуси саҳифада)

ҳаммаслаги ишсиз, маошсиз қолган, ташқарига чиқиши тақиқланганлар қора рўйхатига киритилган ва ҳамон кунига юзлаб одам МХХ қамоғига ташланмоқда ва ҳатто ноиложлик ва бдеодликлардан безиб ўз жонига қасд қилишга мажбур бўлмоқда.

Каримовага кўра, МХХ нинг Гвардейская кўчасидаги кўрқинчли ҳибсхонасининг муздек, қоронғу хужраларига ташланаётган маслакдош ва яқинлари орасида бир яшар гўдақлар, оғир хасталар бор ва улар бир нчеа кунлаб овқат ва ҳаёти учун зарур дори-дармонсиз

“Ҳозирда мен қизим билан Боздомзордаги хусусий уйим деворлари орасида гаровда қолмоқдаман. Авваллига бизни бир-икки кунга овқатсиз қолдирдилар, кейин телевизорсиз; ташқи дунё билан алоқани бутунлай узишди; кўзини очиб қўлидаги китобини юлқиб олаётган, компютер ва телефонларини тортқилаб, уйда наркотиклар бор-йўқлиги, кулоғидаги олтин сирғасию столли устидаги занжир, сумкасидаги 50 минг сўмни қаердан олганини сўраётган ҳарбийлар ва президент кўриқчилари раҳбари генерал Тоҳирийни кўриб ўта қучли руҳий шокка тушган қизимни ўқиш ва дўстлари билан кўришишдан маҳрум қилишди.

Айни кунларда мен Тошкент, Австрия ва Исроилдаги врачлар томонидан тасдиқланган жиддий диагноз бўйича зудлик билан операция ва гистология анализига муҳтожман.

сайин қийинлашиб бормоқда. Ҳар қандай умидни йўқотиб, ўз мурожаатимда очиқ ёзганларимга лоқайд бўлмаганлардан бизга ёрдам бериш ва имкони бўлса, бу гапларимни Президент Каримовга етказишни сўрайман”, дейилади Гулнора Каримованинг Озодликка етказилган мактубида жумладан.

“Менинг квартирамни босган оғир ҳарбий ботинкалар эшигим олдини тарк этмаётган бир вазиятда, улар менга ҳар куни “сени ё жонингга қасд қилиш ёки жиннихонагача олиб борамиз” деб ваъда қилишмоқда”, деб таърифлайди ўз ҳаётидаги руҳий босимни Гулнора Каримова.

“Буёқ ота”га жавобсиз саволлар

Мактубининг сўнгги абзацини “Очиғи, 76 ёшдаги одам учун ўз болалари ва набираларидан яна муҳимроқ нима борлигини ҳеч қачон тушуна олмайман”, деган ҳайрат билан бошлаган Гулнора Каримова отасининг ўзи ва болаларини ёлғон маълумотлар асосида четга суриб қўйганини айта туриб, президент Каримовга айрим риторик саволлар билан мурожаат қилади:

“Сенинг қизинг Америкадаги энг қиммат уй — 60 миллион долларлик Беверли Хилздаги “Le Palais”ни ёки Женевадаги 53 миллион долларлик энг қиммат уйни, Франция жанубидаги вилла, яхталар ва самолётларни қаердан олди? Афтидан бу ва Ўзбекистонда уялмасдан амалда қолаётган бошқа ишларга оид саволларга жавоб йўқ... Ёки менга маълум бўлмаган жавоблар бор ва бундай ҳолда мен ўзим ўйлаганимдан кўра ҳам ҳақиқатдан узокроқ бўлиб чиқаман. Аммо соғлом ақл устунлик қилиши, мени эшитишинг ёки болаларим билан яшаш учун қўйиб юборишингга ҳали ҳам умид бор”, деб тугайди муаллифи Гулнора Каримова экани айтилаётган мактуб.

Куба ёки Аргентина?

Нега Г.Каримова лирик чекинишлар ва руҳий азоблар билан йўғрилган, қайси маънонадир, ҳозиргача шак келтирмай келгани отасига ҳам ишончсизлик билдирилган бу мактубни жамоатчиликка бугун эълон қилишга қарор қилди?

“У ўта оғир руҳий босим остида қолган ва ўз вазиятига аниқтиник баҳо беролмаяпти. Балки, бу ҳаракатларнинг барчаси оила то-

монидан Гулнорани Европа, мана эндиликда Америкада ҳам очилган жиний иш ва терговлардан кутқариш учун қилинаётган химоя қадамларидир, буни инкор қилиб бўлмайди. Гулнора авваллари ҳам, ҳозир ҳам бошқа дунёда яшайди ва мен унинг дунёсини кўп ҳам тушуна олмайман.

Бу хатнинг чиқарилишидан мақсад, унинг сўнгги сатрида ёзилган, деб ўйлайман. Гулнора кизини олиб (ўғли аллақачон хорижда) ташқарига чиқиб кетмоқчи. Оиласини жамоатчилик босими воқитида шунга кўндириш ниятида бу хатни ёзган”, дейди мазкур мактуб муносабати билан Озодлик суҳбатлашган Г.К.га яқин бошқа манба ўз исми келтирилмаслиги шарти билан.

Европа прокурорлари Гулнорани кутмоқда

2012 йилда Европанинг бир эмас, балки 10 га яқин давлати прокуратураси Ўзбекистон президенти тўнғич кизининг ўз ҳудудидаги бойликлари ва уларнинг қайси йўл билан топилгани билан жиддий қизиқа бошлади.

Озодликка маълум бўлишича, айни кунларда Гулнора Каримова Швеция, Швейцария ва Францияда йирик микдордаги порахўрлик ва пул ювиш амалиётлари билан боғлиқ жиноятларда айбланиб, жиний ишга тортилган.

Биргина Швецияда у TeliaSonera телеком ширкатидан 320 миллион доллар пора олганликда гумонланмоқда. Швейцария прокуратураси ўтган ҳафта Гулнора Каримовага қарашли экани тахмин этилаётган 910 миллион долларлик маблағнинг музлатилгани ва бунинг мамлакат яқин тарихидаги рекорд рақам эканини тан олди.

WikiLeaksга сиздирилган махфий ёзишмаларда Гулнора Каримова “Ўзбекистонда энг нафрат қилинадиган шахс”, рейдер ва мафия тўдабошиси сифатида тасвирланган эди.

Норасмий манбалар, кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон иктисодининг энг сердаромад соҳаларини ўз қўлига олиб, даромаднинг аксар қисмини оффшор ширкатлар воситасида хориж банкларига олиб чиқишга муваффақ бўлган Гулнора Каримова бойлигининг 10 миллиард АҚШ долларидан ошишини тахмин қиладилар.

ozodlik.org

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ВА РОССИЯГА БОРИШИ КЕСКИН КАМАЙМОҚДА

Астана шаҳар статистика департаменти матбуот хизматининг билдиришича, 2013 йил Қозоғистон пойтахтига хориждан 47836 киши келган.

Ушбу рақам ўтган йилгига нисбатан 17879га кўп. Айни пайтда, 2012 йил билан солиштирганда Астанага келганлар сони 5,9 %га камайган. “Пойтахт аҳолисининг миграцион ўсишида Ақмола вилоятининг ҳиссаси — 19%, Жанубий Қозоғистон вилояти — 13,5%, Алмати шаҳри — 11,6 %, Қарағанда вилояти — 9,3%, Шарқий Қозоғистон вилояти — 8,9% ва бошқа вилоятлар — 37,7%ни ташкил қилган”, — дейилади хабарда.

Шу жумладан, ўтган йил мобайнида Астанага Хитойдан 336 киши, Қирғизистондан — 249, Ўзбекистондан — 621, Россиядан — 82, Мўғилистондан — 46, Туркиядан — 33 та, Озарбайжондан — 34, Украинадан — 10, Арманистондан — 24 та ва Тожикистондан — 12 киши кирган. Мигрантлар сонининг камайиш тенденцияси нафақат Қозоғистонда, балки Россияда ҳам кузатилади. Масалан, Россия Федерал Миграция хизмати раҳбари Константин Ромодановскийнинг айтишича, 2014 йилнинг 7 март ҳолатига кўра Россия ҳудудига кирганлар сони ўтган йилнинг айни санасига нисбатан 15,5% га камайган. Камайиш асосан МДҲ давлатлари фуқароларининг Россияга кириб келишларида яққол кузатилади. К.Ромодановскийнинг таъкидлашича, МДҲ давлатларидан келаётган мигрантларнинг камайиш кўрсаткичлари бўйича энг биринчи Ўзбекистон ва энг охириги ўринда Тожикистон.

2014 йилнинг дастлабки 2 ой мобайнида Ўзбекистондан Россияга кирганлар сони ўтган йилнинг айни муддатига нисбатан 204 мингга (33,2% кам), Қирғизистондан кирганлар — 41,9 мингга (28,7% кам), Озарбайжондан кирганлар — 55,4 мингга (27,6% кам) камайган.

Хориждан кириб келувчилар сонининг камайиши ўтган йил мобайнида Россия тегишли идораларининг ноқонуний миграцияга қарши босимлари ва қонунбузарларнинг 10 йилгача киришини таъқиқлаб, Россиядан чиқариб юборилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, 2013 йили Россия миграция қонунчилигига ҳорижий шахсларнинг мамлакатда қолиш муддатини чекловчи ва жазо чораларини кучайтирувчи бир қатор ўзгартишлар киритилган.

UZBEK.FM

Бошловчи: Ўрта Осиё туркларининг, эски ибора билан айтганда, Туркистон туркларининг янги тарихида мустамлакачиларга қарши ташкил қилинган энг жиддий ҳаракатлар, 19 аср охиридаги Дукчи Эшон ҳаракати ва 1917 йилда Қўқон мухторияти давлатини қурган Жадидлар ҳаракати эди.

ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(*Ҳужжатли фильм сценарийси*)

Темур Хўжа: (Кўч Университети профессори):

«1910 йилда булар қайта келиб Тошкентда, Мунаввар қори, Бехбудийлар, Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжаев ва бошқалар Бухоро амирлигида жаҳид мактаблари очишга боришади. Бутун буларга қарамай, жаҳид ҳаракати бизда сиёсий ҳаракатга айланди.

Ўртада партиялар тузилди. Мана, хозир, масалан, Муҳаммад Солиҳ турган «ЭРК» демократик партияси – Горбачев даврида тузилган бир сиёсий партия, аммо «ЭРК» номида партия ўша йилларда тузилган. Уларнинг фақат битта ғояси бор – Туркистон давлатининг тузилиши. Улар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон бўлиб Совет парчаланшига қарши чиққанлар. Ва ҳеч бир вақт «ўзбекчилик, козоқчилик, туркманчилик» деган идеяни рад қилиб, «Биз фақат Туркистонлимиз, бизнинг юртимиз Туркистон, биз Туркистоннинг мустақиллигини ва озодлигини истаймиз» деб кураш олиб борганлар».

Бошловчи: Бу сўзларни тарихий фактлар ҳам тасдиқлайди. Қўқон мухторияти – Туркистон республикасининг Ташқи ишлар Вазири Мустафа Шўқай - козоқ туркларининг, Бош Вазир Муҳаммадjon Тинишбоев эса қирғиз туркларининг вакиллари эди.

Аммо профессор Темур хўжа тилга олган Жадидлар ҳаракати ҳам Дукчи Эшон ҳаракати каби руслар тарафидан бартараф этилди. Сўнгра Совет тарихшунослигида «Босмачилар ҳаракати» деб номланган бир халқ ҳаракати бошланди, аммо у ҳам муваффақиятсизликка учради. Бу уч уринишдан сўнг, Туркистон устига 70 йиллик мустамлака сукунати чўкди.

Фақат ўтган асрдаги «Қайта қуриш» даврига келиб, Туркистоннинг юраги бўлмиш Ўзбекистонда миллий уйғониш амморалари яна

кўринди. Бу мавзуда Америкалик тадқиқотчи Руф Диблер шундай дейди: «Қайта қуриш бошланганда Совет ёзувчилари, шу жумладан, ўзбек ёзувчилари ҳам оддий халқнинг дарди ва орзу умидларини ифода этишда катта роль ўйнадилар. Бугун бу ролни ўзбек ёзувчиси Муҳаммад Солиҳ ўйнамоқда».

Бу хусусда шоир Рауф Парфининг сўзлари диққатга сазовордир: «Муҳаммад Солиҳнинг биринчи кучли тебраниши – унинг Туркистон ғоясини англаши эди, Туркистон руҳини билиши, унинг шеърлятидаги бутун истиоралар, шеърий санъатлар Туркистонни англаш санъати эди».

А.Исмоил (шоир, ёзувчи): «Муҳаммад Солиҳ, ҳали ҳам эсимда, 70-йилларнинг охирида, 80-йилларнинг бошида ўз ғоясини таниб бўлган шоир эди. Туркистон ғоясини, Ўзбекистон ғоясини, миллат ғоясини таниб бўлган шоир эди, кўрқинчли тарзда таниб бўлган шоир эди».

Бошловчи: М.Солиҳнинг шоир сифатида ғоявий платформасини Рауф Парфи шундай таърифлайди:

Рауф Парфи: «Муҳаммад Солиҳ 60-, 70-йилларда ўзбек шеърлятида мутлақо бир янги тўлқиннинг устида турди. 50 йиллар унутилиб кетган меросимиз жуда узоқ қаровсиз қолди. Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Қодирий ва бошқа жуда кўп шоирларимизнинг асосий ғояси Туркистон ғояси эди. Туркистон ғояси босқинчилар учун, мустамлакачилар учун жуда кўрқинчли бир душманлари эди. Ана шу руҳимиздан юлиб олинган ғояни биринчи бўлиб Чўлпонлардан кейин, Фитратлардан кейин ўзбек шеърлятида айтган шоир Муҳаммад Солиҳ бўлади».

Бошловчи: Туркия Жумҳуриятининг Бош вазири Буланд Эжевит Муҳаммад Солиҳ ҳақида шундай дейди: «Ғарбда сиёсатчи шоир кўп учрамайди, аммо Шарқда, хусусан, турк ўлкаларида сиёсатчилар, давлат одамлари ва ҳукмдорлар ичидан жуда кўп буюк шоирлар етишиб чиққан. Муҳаммад Солиҳ ҳозирги замон Турк сиёсатчи шоирларининг устун ўрнагидир. У бир пайтнинг ўзида ҳам ўзбек туркларининг кўзга кўринган шоири, ҳамда Ўзбекистон «ЭРК» партияси

лидеридир.

Муҳаммад Солиҳ ўз шеърлярини оғир тазйиқ-таъқиблар замонларида ёзди. Совет Иттифоқи тарқаб кетган ва Ўзбекистон мустақил жумҳурият деб эълон қилинган бўлишига қарамай, тазйиқлар ҳали ҳам давом этаётир. Фақат уста шоирларнинг «шеър тили»гина энг оғир тазйиқлар остида ҳам Эрк машъаласини баланд тута олади.

Муҳаммад Солиҳ ҳам ғайриинсоний тузумларнинг тазйиқи остида Эрк машъаласини ўз шеъри билан ёниқ тутиб келган шоирдир. Бир сиёсатчи сифатида Муҳаммад Солиҳ ва унинг сафдошлари ҳали ҳам маълум маънода, ердан олиб, ерга урилмоқдалар. Муҳаммад Солиҳ бундай тазйиқларга ўз шеъри билан шундай жавоб беради:

*«Агар ҳеч ким мени ерга урмаса,
Кўкка қандай сакрай олардим?»*

Солиҳ шоир сифатида аллақачон кўкка сакраб бўлган, ишонаманки, у бошчилик қилаётган «ЭРК» Партиясининг ҳам кўкка сакрайдиган кунлари яқиндир».

Туркия Жумҳурияти Бош Вазири Нажмиддин Эрбақон: «Биз Муҳаммад Солиҳ биродаримиз билан кўп халқаро анжуманларда кўришганмиз ва дунё масалаларини муҳокама этганмиз.

Миллий шуур соҳиб Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ва тараққий топишини истаган курашчи биродаримиздир. Бу курашчи биродаримизнинг фаолияти ривож топишдан умидворманки, Муҳаммад Солиҳ воситасида бутун Ислому олами Ўзбекистондай бир биродар ўлкани бағрига боссин. Ўзбекистон бу – барчамизнинг фахримиз бўлган Ислому олимларини етиштириб берган бир муаззам маданият марказидир.

Биз Ўзбекистон билан фахрланамиз. Ўзбекистон ҳам тарихий, ҳам стратегик жиҳатдан етакчилик қилишга лойиқ бир ўлкадир. Ўзбекистон масаласи бу – бутун дунёнинг наҳот масаласидир. Бунга эришмоқ учун эса Ўзбекистонда М.Солиҳ ва унинг каби фикрловчи инсонлар ҳокимият таъсис этмоқлари лозим.

М.Солиҳ бугунга қадар Ўзбекистонда сиёсий жиҳатдан катта муваффақиятга эришган инсондир. Ўзбекистоннинг ўз тарихий ўрнини эгаллаши учун энг муносиб тарзда вояга етган биродаримиздир. Биз доим М.Солиҳ ҳақида севиб эслаймиз ва фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз».

БОЛАЛИК

Бошловчи: Мухаммад Солих 1949 йилнинг 20 декабрида Хоразмда туғилди. Отаси Мадамин Бег Бегжон Бегнинг ўғли, ўн ёшида отадан етим қолганди. Шўролар ҳукумати 1924 йилда Бегжон Бегнинг ер-сувини мусодара этган, ўзини йўқ қилган. Мадмин Бег 1942 йилда урушга кўнгилли бўлиб кет-

тарди. Бизнинг ёнимизга ёш йигит ва қизлар келиб, «Бизнинг Дубчекни қаерга олиб кетдингизлар?» деган саволар беришарди. Биз уларга қандай жавоб беришни билмасдик, чунки уларнинг йўлбошчиси Дубчекнинг ўша пайтда Москвада, КГБ да «меҳмон» қилинаётганини ҳеч хаёлимизга келмаганди. Калта кўйлак кийган гўзаллар биз-

лат университетининг журналистика бўлимига ўқишга кирди. Солих 20 ёшида эди, аммо у ўзини аскарликнинг машаққатларини чеккан бир ветеран каби хис этарди.

Мухаммад Солихнинг илк шеърий китоби «Бешинчи фасл» 1977 йил босилди. Бу кичик китобча муаллифни кенг халқ оммасига танита олмаган бўлса-да, профессионал адабиётчи ва зиёлилар орасида фавқуллодда кизиқиш билан кутиб олинди. Чунки китоб ўзбек адабиётида ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мутлако янги эди. Бу социалистик адабиёт посбонларини хушёр тортирди ва улар дарҳол М.Солихни «ғарбга тақлид»да айбладилар. Солихни Рауф Парфи ҳимоя қилди ва ва у Мухаммад Солихнинг иккинчи китоби бўлмиш «Қудукдаги ой»га сўзбоши ёзиб, шундай деди:

«Мухаммад Солихнинг шаклий изланишларига факат европеизм таъсири деб қараш тўғри эмас, унинг таъсир манбаларини Ватанимизнинг қадимий ёзма ёдгорликларидан, тошга ўйилган ёзувлардан, минг йиллик ўзбек шеъриятдан ахтарган маъқул».

А.Исмоил (шоир, ёзувчи):
Мухаммад Солихнинг бир шеърини ўқиб берсам.

Қишки новда

Япроқсиз, ялангоч, аччиқ...

Яна нима керак

ифодалаш учун

бу новданинг ёлғизлигини?..

яна нима керак сенга?

Бу новданинг йўқотганларин

йўқотиб кўрдингми сен ўзинг?

Аммо сен ўжарлар-ча

сўзни арчийсан –

новдани арчийсан беомон.

Ниҳоят, мана у –

ёлғиз сўздан ҳам етимроқ,

оч сўздан-да озгинроқ –

хипчин у.

Шивиллаб турибди дарахтда.

Бу шеърида Мухаммад Солих ўзининг шеъриятда тутган катта йўлни ифодалаб берган бир маънода.

Яъни ўзбек адабиёти кўпроқ ёлғиз сўзга эмас, балки жумлага асосланган шеърият. Яъни жумланинг чиройлилиги тортиб кетиб қолиши мумкин, алаҳситиши мумкин одамни. Шу нуқтаи назардан Мухаммад Солих ўзбек шеъриятини кўпгина ёлғон-яшиқлардан тозалаган, новдалаган шоирдир. У сўзга сўзнинг ўзлигини қайтариб берган шоирларимиздандир.

(Давоми келгуси сонда)

ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

ган. 1943 да ярадор бўлиб қайтган, соғайганидан сўнг, 44-нинг бошида яна урушга кетган.

«Йўлнома» китобида Мухаммад Солих шундай хотирлайди: «Мен отамдан “Бу ҳокимият аждодларимизни йўқ қилди, нега урушга кетдингиз?», деганимда, у: «Овулда фақат хотинлар қолган эди, гаплашадиган улфат йўқ эди, зерикканимдан кетдим.» дерди раҳматли.

Онам Қаландар Сарикнинг кизи Оқилахоним диний таълим олмаган, аммо шариатнинг ҳалол-ҳаром тамойилига қатъий амал қиларди».

Мухаммад Солих 1966 йил мактабни битирди, худди шу йиллари маҳаллий газета бўлган «Пахтакорлар овози» газетасида илк шеърларини чоп эта бошлади.

1967 йил Тошкентга келди ва ТошДУ нинг адабиёт факультетига имтиҳон топшириб, конкурса балл етмай, кечки бўлимга қабул қилинди. Аммо Солих кечки бўлимда ўқишни истамай, Хоразмга қайтди. 1968 йил совет Армиясига чақирилди.

У Венгриянинг Секешфехервар шаҳрида аскарлик қила бошлади. Ўша йилнинг август ойида Мухаммад Солихни машхур «Прага бахори» исёнини бостириш учун Чехословакияга кирган совет кўшинларининг авангардида кўрамиз. Мухаммад Солихнинг айтишича, Чехословакия воқеалари унинг учун маънавий томондан бурилиш нуқтаси бўлган.

Бир халқнинг золим ва мустабид тузумга қарши ўз озодлиги учун кураши ва ўз жонини фидо этиши Мухаммад Солихнинг совет мактабида тарбия топган дунёқарашини мутлако ўзгартириб юборди.

«Бизнинг ёнимизга ёш словак ва чехлар – артиллерия техникасининг курсантлари келиб, варақалар тарқатди. Улар ўз варақаларида бизни мустақил Чехословакиянинг ишголига барҳам беришга даъват

га тарқатган варақаларида бизни бошлиқларимизнинг алдаганини аниқлардилар. Улар бизнинг нажоткор эмас, ишғолчи армия эканлигини тушунтиришга уринардилар. Улар бизга тезроқ уйларимизга қайтишимизни, бизни кутаётган севимли ёру-дустларимизга тезроқ қовушимизни тавсия қилардилар. Улар бизни бизнинг виждонимизга қўлоқ солишни маслаҳат берардилар. Улар бизни қуролсиз кишиларга қурол кўтаришининг гайриахлоқий ҳаракат эканини тушунтиришга уринардилар. Бу халқ чиндан ҳам қуролсиз эди. Бу биз ёшларни ҳам улар қаршисида мажозий маънода қуролсизлантирганди. Чунки биз – ёш ва сентиментал совет аскарлари – ўша варақаларда эслатилган ёру дустларимизни ҳақиқатан ҳам севардик».

Шундай қилиб, совет пропагандасининг «аксиланқилоб-чи чехословаклар» афсонаси секин-аста эрий бошлади. Мухаммад Солих энди Совет пропагандасига ишонмас эди.

«Чехословакияда бостирилган «Аксиланқилоб» менинг шууримга кўчиб ўтди. Чехословаклар мисолида қуролсиз бўлатуриб, қуролли кишига қаршилик қилиши мумкинлигини кўрдим. Инсонга унинг қўлдаги қуролнинг бериши мумкин бўлган озодликдан бошқа бир тур озодликни ҳис қилдим. Бу озодлик – қуролсиз инсоннинг озодлиги эди».

ШЕЪРИЯТ

Туроқ деб аталган

тенгсиз тенглик бор,

Қофия деган бир

дўстлик бор экан,

Жаҳонда хонтахта

деган кенглик бор,

Дунёда ЭРК бордир

ШЕЪРИЯТ деган.

Мухаммад Солих 1970 йил аскарликдан қайтиб, Тошкент дав-

Ўтган ҳафтада россиялик сиёсатчи ва блогер Алексей Навальныйнинг Қрим масаласидаги блогпости катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Кўпчиликни Навальныйнинг Тожикистон ва Ўзбекистонда русларга нисбатан тазйиқ ўтказилгани ҳақидаги гаплари хафа қилди, аниқроғи жаҳлини чиқарди десам муболаға бўлмаса керак.

Албатта, жаноб Навальный ўз блогпостини тайёрлаш давомида русларнинг Марказий Осиё давлатларини тақр этиш сабабларини яхшироқ ўрганиб чиққанида, улар аслида Марказий Осиё эндиликда Рус Империясининг



МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ ВА РУС МИЛЛАТЧИЛАРИ

бир қисми эмаслигини англаб, асосан ўз хоҳишига кўра бу ерларни тарк этишганини аниқлаган бўларди. Лекин, унинг блогпост ёзишдан мақсади Марказий Осиёдаги русларнинг ҳаёти бўлмагани учун, бунга ортиқча эътибор беришнинг керагийўқ. Навальныйнинг блогпости сабаб бошланган мунозара, одатдагидек, Россиядаги Марказий Осиёлик меҳнат муҳожирлари мавзусига айланиб кетди. Яъни, Путиннинг мигрантларга кўрсатган “ғамхўрликлари” ва Навальный ҳукумат теппасига келса, уларнинг бошига тушиши мумкин бўлган тахминий кулфатлар – аниқроғи, миллатчилик кучайиши ҳақида ҳақида гапирилди.

Мен 2009 йили Россияда меҳнат муҳожирлигида бўлиб келганман. Миллатчиликка нисбатан нафратим жуда кучли эканини таъкидлаган ҳолда, шунга айтишим мумкин-ки, меҳнат муҳожирлари бошига тушиши мумкин кулфатлар ичида энг сўнггиси – рус миллатчиларидир. Асосий қийинчиликларнинг сабаби – айнан меҳнат муҳожирининг ўзларидир. Қонун-қоидалардан беҳабар, асосий қисми рус тилини билмайди. Рус тилини билмасликларини исботлаш учун битта мисол келтирай. Москва вилояти ҳудудида ишлардик. Хонада 12 та қирғизистонлик ва ўзбекистонлик йигитлар яшардик Кечаларни асосан DVD кўриш билан ўтказар эдик. Шундай кечаларнинг бирида қайсидир шеригимиз хуфтон ўқимокчи эканлигини айтиб, телевизор овозини сал пастратишни илтимос қилди. Пулътни олиб, “PAUSE” тугмасини босдим. Бир шеригим эътироз билдирди:

- Овозизи ўчириб қўйиб, қўяверсангиз бўларди.

- Овози йўқ бўлса, қандай кўрасиз, нима дегани эшитилмайди-ю?!

- Овозини эшитган билан барибир ҳеч ким тушунмайди.

Атрофга қарасам, кўпчилик бу фикрни маъқуллагандек нигоҳ ташлаб турибди. Наилож, кинонинг

давомини овозсиз кўришда давом этдик.

Меҳнат мигрантлар кўп ҳам руслар билан алоқа қилавермайди. Уларни ишга жойлаштириш, назорат қилиш ва ҳақ тўлашнинг барчасини ўзимиз тарафдан борган ўртамчилар амалга оширадilar. Ўзбекистонликни ўзбекистонлик, қирғизистонликни қирғизистонлик ўртамчи иш билан таъминлайди. Ўз ватандошларига паст назар билан қарайдиган бу ўртамчиларнинг ҳаммасини ҳам инсофли дейиш қийин. Ўзбекистонлик дўстларим хафа бўлишмасину, лекин, мен кўрган ўртамчиларнинг энг ярамаслари айнан ўзбекистонликлар эди. Биз билан бирга ишлашар, лекин, биздан 200 доллар кам маош олишарди. У ҳам етмаганидек, икки Балиқчи тарафдан келган йигитни роса югуртиришган. Бир амаллаб оз-моз пул ундирган йигитлардан бири: “Ундан кўра Тошкентда нонвойлик қилганим тузук экан. Стройкада кўп пул топасан дейишса, ишониб келиб юрибман” – деб шеригини ҳам эргаштириб Ўзбекистонга қайтиб кетган. Шунинг учун, агар қайсидир танишингизни Россияда чув тушириб, меҳнатига ҳақ тўлашмаган бўлса, кўп эҳтимол билан у айнан ўзимиз тарафдан борган “тадбиркор”ларнинг қурбони бўлган деган хулоса қилсангиз, адашмайсиз.

Мен доим “Россия нега меҳнат муҳожирлари учун яхши шароит яратмаяпти?” деган саволдан кўра “Нега шу одамлар ўз юртида иш билан таъминланмаяпти?” ёки “Нега фуқароларнинг чет элда хавфсиз меҳнат қилиши учун шароит яратилмаяпти?” деган саволни ўртага ташлашни яхши кўраман. Ҳар ҳолда, паспортимизнинг илк саҳифасида биз давлат ҳимоясида эканимиз ёзиб қўйилган. Россия эса бизнинг ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ишни қилишга тайёр турганимизни кўрганидан кейин, албатта, шароитни яхшиламайди.

Чунки, ҳақ-ҳуқуқ аввало бизга керак, Россия учун бу қўшимча мажбурият холос. Россиядаги миллатчи русларга қайтсак. Сўнгги йилларда миллатчилик кучайганининг сабаби, менимча, оддий русларнинг ҳам ноқонуний муҳожирлардан тўйганидандир. Аниқроғи, миллатчилар, бундан усталик билан фойдаланмоқда.

Шу ўринда ўша биз ёмон кўрган Навальныйнинг таклифлари эътиборга молик. Ўтган йилги сайловолди кампанияси давомида у меҳнат муҳожирларининг ишга қабул қилинишини тартибга солиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурган эди.

Агар бу таклифлар ишга оширилганда, у ёққа борадиган ватандошларимиз тил синовидан, ишламоқчи бўлган ишга лойиқлиги бўйича бир қатор синовлардан ўтиши керак бўларди.

Хуллас, меҳнат муҳожирлари қонун асосида ишлашга мажбур бўлар эди. Бу эса ноқонуний муҳожирлар ордидан миллионлаб фойда кўраётган амалдорларга ҳам, ўзимизнинг ўртамчиларга ҳам, “беғалва” ишлашни хуш кўрадиган кўпчилик ватандошларимизга ҳам керак эмас.

Ҳа, айтганча, яна бир гап. Россия учун Марказий Осиё ҳали ҳамон собиқ империянинг қолақ бир қисми, меҳнат муҳожирлари эса арзон ва ҳуқуқсиз ишчи кучи, холос. Вақти келганида уларга фуқаролик бериб сайловларда “қатнаштириши” ёки эртага, зарурият туғилса, бу фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қўшин киритиши ҳам мумкилиги эса, алоҳида мавзу.

Шермуҳаммад

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

расмий нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Камолиддин Йўлдош